Жаҳон бўйлаб ҳилпира,
Ўзбекистон байроғи!

Ватанни севмак иймондандур!

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 1 сентябрь, пайшанба № 136 (21.740). Сотувда эркин нархда

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!



Юртимиз табиати гўзал. Унда йилнинг тўрт фасли мукаммал кечиб, бундай баркамоллик ер юзининг ҳамма минтақаларига ҳам насиб этмаганлиги аён. Айтишларича, тўрт фасли ҳам мукаммал келган заминда яшаган одамлар ҳар жиҳатдан рисоладагидек яраларкан. Бу гапда қанчалик ҳақиқат борлигини аниқ билмадик-ку, лекин Ўзбекистон мустақиллиги байрам қилинадиган пайт айни сўлим ёздан олтин кузга ўтаётган бир даврга тўғри келишида қандайдир ҳикмат бордай. Баҳору ёз тер тўкиб меҳнат қилган деҳқон бугун нафас ростлашга имкон топди. Қадоқ қўлли ишчи ва зиёли ҳам босиб ўтилган уч йил натижаларидан мамнун. Анча-мунча давом этган жазирама ҳам шаштидан тушган, енгил эсган шабадада Ўзбекистон байроғи ҳилпирайди. Чиндан ҳам, дунёда энг чиройли байроқ бу! Қалбида юрт ифтихори тўлибтошган, олам узра ўз Ватанини озод ва эркин кўриш иштиёқида ёнган ҳар бир ўзбекистонлик бу байроқни афзал кўради.

Байрамнинг, яхши кунларнинг шарофати бўлади. Биргина Тошкентимизни олинг: Ўзбекистоннинг миллий байрами арафасида мамлакатимиз юрагида қанчалик кенг миқёсдаги ишлар жадал суръатда адо этилди. Пойтахтимиз чинакамига мамлакат кўркига айланди. Ҳурлик байрамини қарши олаётган Мустақиллик майдони ҳам қувонч-шодликка гўё торлик қилаётгандай.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Бош Вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур байрамни ўтказиш ташкилот қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош Вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳри ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кириб келади.

Майдондан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган меҳмонлар, шунингдек, Тошкентдаги хорижий мамлакатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари жой олган.

Соат 19.30. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов байрам қатнашчиларига ва улар сиймосида бутун ўзбек халқига қарата табрик нутқи сўзлайди:

**— Азиз ватандошлар!**

**Муҳтарам юртдошлар! Сизларни буюк сана — Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги байрами билан чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.**

**Ана шу қутлуғ айёмда Ватаним деб, элим деб, бугунги озод Ўзбекистон учун ҳаётини — жонини фидо қилганларни ёд этиш, улуғ аждодларимизнинг руҳларини шод қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиз деб биламан.**

**Ушбу муборак кунда улуғ тарих ва маънавият эгаси бўлмиш, мустақиллик учун кураш йўлида не-не аёвсиз бўронларни бошидан кечирган, бугунги машаққатли синовларга мардона бардош бераётган сабр-тоқатли, матонатли ва доно халқимизга таъзим қиламан. Биз учун мустақиллик — энг аввало, ўз тақдиримизни қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятларни, урф-одатларимизни тиклаш, ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда, ҳар бир хонадонда тинчлик-осойишталикни, барқарорликни сақлашдир. Азиз Ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, меҳру оқибатни қарор топдиришдир.**

**Биз учун мустақиллик — Оллоҳнинг ўзи элюртимизга инъом этган табиий бойликларга эгалик қилиш, халқимиз қудрати, салоҳияти, ақлу заковатига таяниб, Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила учун муносиб ҳаёт қуриш, келажак авлодлар учун озод ва обод Ватан қолдиришдир.**

**Биз учун истиқлол — миллатимиз, мамлакатимизнинг жаҳонда обрў-эътибори, шон-шавкатини кўтарадиган соғлом авлодни, ҳар жиҳатдан баркамол ва фидойи ўғил-қизларни тарбиялаш, уларни вояга етказиш ва бахтини кўришдир. Ҳар бир фуқаромиз учун — миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар — эркинлик, тенглик, биродарлик, муносиб шароит яратиб беришдир.**

**Биз учун истиқлол — давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фахримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашдир.**

**Шу мақсадларга эришиш учун юртимизнинг барча аҳолиси Ўзбекистонни ягона ва азиз юртим деб билиши, ўз тақдирини Ватан тақдири билан узвий боғлаб курашмоғи, меҳнат қилмоғи даркор.**

**Азиз дўстлар!**

**Она юртимиз учун, унинг порлоқ келажаги учун барча эзгу ниятларимизни бахшида этайлик!**

**Азиз Ватанимизни асраб-авайлайлик, улуғлайлик!**

**Ватанимиз олдида ўз инсоний ва фуқаролик бурчимизни сидқидилдан бажо келтирайлик!**

**Илоҳим, халқимизнинг тинчлиги ва тотувлигига кўз тегмасин, хонадонимиздан файз, қут-барака аримасин!**

**Мустақиллигимиз боқий бўлсин!**

**Шу муқаддас мақсадлар йўлида бизга парвардигорнинг ўзи мададкор бўлсин!**

(Давоми иккинчи бетда).

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АҲОЛИСИГА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол молларининг асосий турлари ва хизматларнинг эркин (шартномавий) нархларга ўтиши тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 октябридан 100 сўм миқдорда ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ана шу компенсациялар ишлаб турган барча аҳолига, пенсионерларга, олий ўқув юртларининг талабаларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқувчиларига, аспирантларга, докторантларга, боласи икки ёшга етгунча уни парваришлаш билан банд оналарга, иш билан таъминлашга кўмаклашиш муассасаларида рўйхатдан ўтиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига, яъни республикадаги деярли ҳар бир катта ёшдаги одамга тўланади.

3. Белгилаб қўйилсинки, компенсациялар ойига бир марта иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, бола икки ёшга етгунча уни парваришлаш ва ишсизлик бўйича нафақалар тўланадиган муддатларда 1994 йилнинг сентябридан бошлаб тўланади.

4. Ушбу компенсацияларга даромад солиғи солинмаслиги кўзда тутилсин.

5. Компенсация тўловлари билан боғлиқ харажатлар республика бюджети, ижтимоий суғурта жамғармаси, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга молиявий мадад бериш учун компенсациялар тегишли миқдори (100 сўм)нинг 50 фоизи республика бюджети ҳисобидан қопланади. Шу мақсадда даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

уч кун муддат ичида компенсациялар тўлашнинг муваққат тартибини ишлаб чиқсин ҳамда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига етказсин;

1995 йилги давлат бюджети лойиҳасини тузиш чоғида ана шу компенсация тўловлари миқдорларини аниқлашга оид таклифларни ҳукуматга тақдим этсин.

8. Мазкур Фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ.**

**Тошкент шаҳри,**
**1994 йил 31 август.**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИИЛАРИГА**

Мамлакатингиз Мустақилиги куни байрам қилиниши муносабати билан самимий тилакларимизни йўллаймиз. Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига эса осойишталик ва равнақ тилаймиз.

**Қобус ибн САИД,**
**Уммон Султони.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АКА АБДУҒАНИ ЎҒИЛЛАРИ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА**

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Муҳтарам Президентимиз Ислом ака Абдуғани ўғиллари!

Сизни оламшумул тарихимизнинг янги сарчашмаси, буюк маънавий неъмат, доно халқимизнинг йиллар оша орзиқиб кутган ва фараҳманд орзу-умидларини рўёбга чиқараётган муборак сана — Мустақиллик байрами билан чин дилдан қутлаймиз.

Халқимиз Сиз жанобнинг жонажон Ватанимизни оламга танитиш, фуқароларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришию маънавиятини бойитиш йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларингизни муносиб қадрлайди.

Истиқлол биз, мусулмонларнинг динимиз арконларини адо этишда кўп эркинликлар яратдиким, бугунги кунда бу ҳар биримизни мамнун этмоқда.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган одилона ички ва ташқи сиёсатни тўкис қўллаб-қувватлаймиз. Жумҳуриятимиз аҳлининг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари йўлидаги барча даъвату амалий меҳнатларга қўшилиб, бу борада ўз куч-ғайратимизни аямаймиз.

Сизга, муҳтарам Президент, Аллоҳ таолодан сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб, дилингиздаги жамики эзгу ниятларингиз амалга ошсин, деб дуо қилиб қоламиз.

**Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси бошқаруви раиси.**

## ЎЗБЕК, ЎЗБЕКИСТОН!

Ўтди жаҳон ичра не турфа жаҳон,
Турфа жаҳон ичра не турфа даврон,
Турфа даврон ичра не турфа имкон,
Турфа имкон ичра пайдодир тан—жон,—
Ўзбек, Ўзбекистон!

На истак бас келур шиддат — шаштларга,
Изларин муҳрлаб боқий тоштларга,
Тангритоғ бўриси тушди даштларга,
Бари олдда ҳали — уфқда шом-тонг, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Билурман, бу олам хўб тала-тўпдир,
Билурман, бўрининг кўчиши кўпдир,
Бир буюк сулола бу ён келибдир, —
Туркийлар бир майдон: Турон—Туркистон,—
Ўзбек, Ўзбекистон!

Тарих ёзаверсам... осмон эрур паст,
Бугун истиқлолни куйлагайман, бас,
Ватаним эртасин буюклиги рост,
Юртбошидир сарбон, йўлдадир карвон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Қора қуллик дардин на билсин ғофил,
Эрк, озодлик қадрин на билсин ғофил,
Халқимнинг тик қаддин на билсин ғофил,
Суви тотлиқ дарё оқсин ҳар қачон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Жаннатга аталган ер — ўзбекники,
Манглайдан оққан пок тер — ўзбекники,
Тангри фарзандлари — эр — ўзбекники,
Сеникидир Жайхун, Сайхун, Зарафшон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Кўзим гавҳарлари офтоби, ойи,
Имондек муқаддас тоғу яйлови,
Е Аллоҳ! Ўлдиргай бир кун чиройи!
Беватанлар учун абадий армон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Даштларида ўсмас ифорсиз чечак,
Янтоқлари шакар тугади чак-чак,
Қаъдаси қаримас, дилбар келинчак,
Орим, нфтихорим, ота-онажон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Тоза отнинг тоза бўлгайдир зоти,
«Асл тулпор экан ўзбекнинг оти...»
Муборак, эй, юртим! Қирқ газ қанотли!
Кун келгай, тилингда сўзлагай жаҳон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Учган ўқнинг ақли йўқ эрур, она,
Осмонинг кўксига тақай туғдона,
Азим Суюн, мадҳинг куйлайдир ёна,
Замину замонда бўл мангу омон, —
Ўзбек, Ўзбекистон!

Ўтди жаҳон ичра не турфа жаҳон,
Турфа жаҳон ичра не турфа даврон,
Турфа даврон ичра не турфа имкон,
Турфа имкон ичра пойдордир тан-жон,—
Ўзбек, Ўзбекистон!

**Азим СУЮН**

JAHON BŌYLAB HILPIRA,
ŌZBEKISTON RAYROĞI!

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мустақиллик майдони узра Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янграйди. Мушаклар отилади. Байрам тантаналари бошланади. Биз бу қувончли айёмда қатнашаётган юртдошларимиз, хорижий мамлакатларнинг элчилари билан суҳбатлашдик.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг академиги Маҳмуд Мирзаев дил қувончини шундай изҳор этди:

— Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Ҳозирги улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қалбим ғурурга тўлади. Келажаги буюк давлатимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлаяпти. Шу муқаддас мустақил Ватаннинг фарзанди эканлигим билан чексиз фахрланаман! Қаранг, уч йил ичида юртимиз қиёфаси қанчалар ўзгарди. Одамлар кайфиятида қанчалар ғурур жўш урди. Ишчи эркин, деҳқон ҳур, зиёли енгил нафас олаяпти.

Ўзбекистонимизни келажаги улкан бир боққа, жаҳон мамлакатлари орасида ярқираб турган юлдузга ўхшатгим келади. Бугун юртнинг катта тўйи. Тўйда биз, ёши улуғларнинг тилагимиз шундай: мустақиллигимизнинг умри боқий бўлсин. Диёримизда ҳамиша шундай тўй-томошалар қўпаяверсин. Озод эркин халқимизнинг манглайи доимо ярқираб турсин. Эл-юртимиз бахтига ҳамиша тинчлик, осойишталик, барқарорлик бўлаверсин.

— Мирзачўл замона билан одимлаяпти,— дейди Боёвут туманидан келган деҳқон Абдурасул Алимов,— Янги қурилишлар кишига хуш—кайфият бахш этмоқда. Масалан, биргина Гулистон шаҳрининг ўзи замонавий қиёфа касб этаётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Янгиер шаҳрида эса иқтисодий қийин шароитга қарамасдан хусусий — кичик корхоналар сони тобора кўпайиб бораяпти. Яна қувончлиси шундаки, Ховос ҳудудига сув олиб чиқиш ишлари қизғин давом этяпти. Ўтмишда бир томчи сувга зор бўлган ховосликлар учун бу мустақилликнинг катта неъматидир.

Вилоятнинг бош мустақиллик майдони кўз ўнгимга келиб турибди: эртага у ерда сирдарёликлар — мирзачўлликлар улкан байрамимизни нишонлайдилар. Бутун Мирзачўл воҳаси чирой очиб турганини ҳис этиб, вужудимда алоҳида ифтихор, ғурур сезяпман: бу — мустақиллигимиз шарофатидандир.

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Куна бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон мустақиллигининг 3 йиллиги муносабати билан ўзбек халқига Германия ҳукумати номидан энг яхши қутлов ва эзгу ниятларни етказаман. 1991 йилнинг 1 сентябрида тантана қилган мустақиллик давридан буён кўпгина воқеалар юз бердики, ўзбек халқи буларга фахр ва ифтихор туйғуси билан боқишга ҳақлидир. Бироқ Ўзбекистон халқаро ҳамжамият сафидан ишончли ва синалган шерик сифатида ўрин олиши учун кўпгина машаққатларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Хусусан Германия билан иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик илҳомбахш равнақ касб этмоқда. Барча ўзбекистонликларга газетангиз орқали мурожаат этар эканман, Ўзбекистон биргина Германия билан эмас, балки жаҳоннинг барча мамлакатлари халқлари билан муносиб дўст ва шерик бўлиб қолишига тилак билдираман.

— Ўзбекистон мустақиллигининг қутлуғ уч йиллиги истиқлол шарофатининг баъзи жиҳатларини беихтиёр ёдга солади,— дейди Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулғани Муҳаммад.— Мисрнинг Ўзбекистон билан алоқаси истиқлолдан олдин ҳам кучли бўлгани билан юртингиз мустақилликка эришгач, дунёнинг турли мамлакатлари билан ўз алоқаларини бевосита, тўғридан-тўғри ўрната бошлади. Зеро, истиқлол Ўзбекистонни ўзига хос мустақил юрт қилиб бутун ер курасига кўз-кўз қилмоқда.

Эндиликда Ўзбекистон ўз халқига, унинг шарт-шароитига хусусиятларига мос дастур — Конституциясига эга бўлган юртдир. Ўзбекистон бир қатор халқаро ташкилотларнинг ҳақиқий, тўлақонли аъзоси, ўз миллий пулини муомалага киритиш борасида ҳам тарихий одим ташлаган давлат. Бу ҳам Ўзбекистонни ҳур, озод ва мустақиллигини таъминловчи муҳим омиллардан биридир.

Байрам чақириқлари садоси янгради. Кўнгилларга ғурур ва сурур бахш этган бу ёқимли оҳангга «Яйра, Ўзбекистон» деб номланган янги вокал-симфоник асар уйғунлашиб кетди. Ҳар бир томошабин қалби жумбушга келди. Бу куйнинг сўнгги пардалари ижро этилаётганда бутун майдонни жажжи болакайларнинг шодон қийқириғи эгаллади. Ёш ижрочилар мазкур театрлаштирилган томошани «Соғлом авлод учун» деб номлашибди. Байрам меҳмонлари ичида мустақил Ўзбекистоннинг илк орденини олиш шарафига муяссар бўлган кишилар ҳам ўтиришганди.

Галдаги саҳна асари «Тарих саҳифалари» деб аталган бўлиб, унда юртимизнинг яқин ўтмиши гавдаланади. Саҳнада Абдулла Қодирий сиймоси пайдо бўлади. У юрагида армон бўлиб кетган орзулари ушалаётганидан, ижоди, ҳаётий маслаклари йиллар ўтиб қадр топаётганидан мамнун ҳолда халқига таъзим қилади. Кейинги томошалар туркуми «Ўзбекистон—халқлар дўстлиги давраси» деган ном остида ижро этилди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган бугунги осуда, тинч ҳаёт унда яшаб турган юздан ортиқ миллат вакилларининг ягона мақсад йўлида ўзбеклар билан бирга қўлни қўлга бериб олиб бораётган яратувчилик меҳнати натижалари эканлиги ҳақидаги фикр саҳнада намойиш этилди. Бу манзараларни жонлантиришда санъатимиз юлдузлари билан бир қаторда Ўзбекистонда яшаб меҳнат қилаётган турли миллий маданий марказларнинг энг етук ҳаваскор жамоалари ҳам ўз иқтидорларини намоён этишди. «Ўзбекистон санъати турфаранг» деб аталган томошалар туркуми эса олдинги томошада олға сурилган фикрни ривожлантириб, унга аниқлик ва янада чуқур жозиба бахш этди. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистондан келган ёш авлод вакиллари ўзларининг бетакрор санъатлари билан намойиш этган бу саҳнада бахтли ёшлик ва келажак тараннум этилиши билан бир қаторда оталар—яъни авлодлар удумига содиқлик, улуғ анъаналарни давом эттиришга бўлган комил ишонч ҳислари баралла уфуриб турди. Шундан кейин эстрада юлдузларининг чиқишлари кўнгилларга қувонч бахш этди.

Тошкент осмонида турфа ранг мушаклар пайдо бўлди. Бу мустақил Ўзбекистон фуқароларининг қалбидаги қувончларни ифодалаб тургандай. Кетма-кет тўплар садосидан сўнг яна мушаклар жилваланди. Мустақилликнинг тўртинчи йилига қадам қўйган Ўзбекистон тупроғи бундан кейин ҳам тинч ва осойишта бўлсин, тўплар гумбурини фақат байрам мушакбозлигида эшитайлик, диёримизнинг мусаффо осмонида қуёш мангу порлайверсин! Ана шундай орзу-истакларни юртининг катта тўйи қатнашчилари юз-кўзларидан уқиб олиш қийин эмасди.

**Ш. ЖАББОРОВ,**
**Ҳ. ИКРОМОВ,**
**А. ПЎЛАТОВ,**
**В. МОЛГАЧЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.**

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан сиз, жаноби олийларига, мамлакатингиз ҳукумати ва қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада ривожланади, деб умид қиламан.

Худованди каримдан сиз, жаноби олийларига муваффақиятлар ва саломатлик, Ўзбекистон халқига саодат ва равнақ тилайман.

**Акбар Хошимий РАФСАНЖОНИЙ,**
**Эрон Ислом Жумҳуриятининг Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингиз Мустақиллиги куни муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ҳамда ҳукумати номидан ва ўз номимдан сиз жаноби олийларига энг қизғин табрикларимни йўллайман.

Сиз зоти олийларига муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига эса равнақ тилайман.

**Чуқур эҳтиром билан**

**Зайд ибн Султон Ал НАҲАЙЕН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан сиз жаноби олийларига самимий табрикларимни йўллайман. Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига равнақ тилайман.

**Мактум ибн Рашид Ал МАКТУМ,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Мамлакатингизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан сиз жаноби олийларини самимий қутлайман.

Сизга сиҳат-саломатлик, дўст Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

**Султон ибн Зайд Ал НАҲАЙЕН,**
**Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

Жаноби олийлари,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Канада халқи номидан табригимизни ва самимий эзгу истакларимизни Сиз жаноби олийларига ва мамлакатингиз халқига етказиш менга катта мамнуният бахш этади.

Ўзбекистон гуллаб-яшнаётган маданиятга ҳамда бой тарихга эга ва мен тараққиёт йўлидаги қийинчиликларни бартараф этишда Канада Ўзбекистон халқини тўла қўллаб-қувватлайди, деб Сизни ишонтиришни истайман!

Мамлакатингизнинг бой имкониятлари ўртамиздаги ҳамкорликни давом эттириш учун умидбахш истиқболлар очади ва биз келажакда алоқаларимизни янада кенгайтирамиз, деб умид қиламиз.

**Рамон жон ГНАТИШИН,**
**Канада бош губернатори.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбек халқи тарихидаги шонли сана — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Давлатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб, чуқурлашиб боришига аминман.

Қардош ўзбек халқи учун шу қутлуғ байрам кунида энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва муваффақият, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ тилайман.

**Самимий ҳурмат билан,**
**Н. НАЗАРБОЕВ,**
**Қозоғистон Республикаси Президенти.**

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА**

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Истиқлолимиз шарофати туфайли жаҳонга юз тутган Ўзбекистонимиз ўзининг энг муқаддас байрами — Мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаётган шу файзли кунларда биз — жамоат ташкилотлари вакиллари қалбларимиз тўрида жўш урган, меҳр-муҳаббатга тўла сўзларимизни сизга изҳор этишдан ғоят мамнунмиз.

Ўзбек халқи мана уч йилдирки, ўзи танлаган йўлдан сизнинг раҳбарлигингизда қатъийлик ва комил ишонч билан қадам ташлаб, демократик ҳуқуқий давлат, самаради бозор иқтисодиёти, ижтимоий адолатли жамият бунёд этмоқда. Она диёримиздаги тинчлик ва барқарорлик туфайли Ўзбекистоннинг бутун дунё миқёсидаги обрў-эътибори ортиб бораяпти.

Халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш мақсадида ватанимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари асрий орзу-умидларимиз рўёбга чиқаётганининг ёрқин далилидир. Айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар таҳсинга сазовор. Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонингиз ҳам умумхалқ шодиёнаси арафасида халқимизга кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Сизни, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, мустақил Ўзбекистоннинг шонли уч йиллик байрами билан чин юракдан табриклаймиз ва она диёримиз равнақи йўлида амалга ошираётган барча ишларингизда ҳамиша камарбастамиз.

**Бектош РАҲИМОВ — Ўзбекистон Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.**

**Нуриддин МУҲИДДИНОВ — Ўзбекистон «Ёдгорлик» жамияти раиси.**

**Шукур ТЕМУРОВ — Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» жамғармаси раиси.**

**Дилбар ҒУЛОМОВА — Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси.**

**Ойдин ҲОЖИЕВА — Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси.**

**Инқилоб ЮСУПОВА — Ўзбекистон болалар жамғармаси раиси.**

**Содиқ УБАЙДУЛЛАЕВ — Ўзбекистон Республикаси ногиронлар жамияти раиси.**

**Шавқиддин ЖУРАЕВ — «Ватан тараққиёти» партияси Марказий Кенгашининг Бош котиби.**

**Алишер ТЕШАБОЕВ — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби.**

**Жамол КАМОЛ — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби.**

**Лутфулла КАБИРОВ — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси.**

**Дадахон ЁҚУБОВ — Ўзбекистон Республикаси «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси.**

## МИНТАҚАВИЙ ТАДБИР

30 август куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мамлакатимиздаги ваколатхонасида Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ва у билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий конференция ўтказилди. БМТнинг тараққиёт дастури доирасида бўлиб ўтган анжуманда Ўзбекистон, Россия ва Тожикистон ҳукуматлари делегациялари, халқаро ташкилотлар вакиллари, бир қанча давлатларнинг республикамиздаги элчилари иштирок этди.

Анжуманда Тожикистон Республикасидаги ҳозирги ижтимоий-иқтисодий танглик ва уни бартараф этишда қўшни давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан зудлик билан амалга ошириладиган тадбирлар кўриб чиқилди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигидаги ҳукумат делегацияси иштирок этди.

**(ЎзА).**

## МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

Маълумки, «Ўзбекистон овози» газетаси Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бош нашри сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақилликнинг 3 йиллиги арафасида ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов редакция жамоаси ва унинг республика вилоятларидаги ўз мухбирлари билан учрашди.

Биринчи котиб йиғилганларни улуғ байрамнинг 3 йиллиги билан қизғин табриклар экан, истиқлолнинг осонлик билан қўлга киритилмаганлиги, унинг моҳияти ва шунингдек Миллий истиқлол мафкураси ҳақида гапириб берди. Бундан ташқари Олий Мажлисга бўлажак сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларининг ва журналистларнинг олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов мустақилликнинг 3 йиллиги арафасида «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, муҳандис-техник ходимлари ҳузурида ҳам бўлди ва корхона жамоасининг байрам тадбирларида қатнашди.

Бу тантаналарда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби В. Медведев ҳам иштирок этди.

**Т. ТОШЕВ.**

## ХЎП АЖОЙИБ ЮРТИМИЗ БОР...

Ўрта Чирчиқ туманининг бош майдонига кириб борганимизда худди ана шу қўшиқ садолари янграяётганди. Атлас либосли қизларнинг чиройли рақс тушаётганликларини кўриб, тўғриси, кўнглингиз яйрайди. Байрам тадбирлари бошланиб кетганди...

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши биринчи котиби Исматулла Неъматуллаев билан Ўрта Осиё кўмир ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли «Кончи» ёрдамчи хўжалигига йўл олдик.

Бу ерда ҳам байрам шодиёналари қизғин тус олганди. Тантаналар олдидан хўжаликда қисқача йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мазкур ёрдамчи хўжалик аъзоларидан бирйўла 10 нафарига партия билетлари топширилди. Шуниси эътиборлики, янги партия аъзолари бешта миллатнинг вакилларидир.

— Партия аъзолигига ўтиш ташаббуси дастлаб хўжалик раҳбари Геннадий Лидан чиқди,— дейди И. Неъматуллаев.— Унинг бу фикри бошқаларга ҳам жўда маъқул келди. Бугунги байрам арафасида эса яна беш нафар ишчи ёшлардан ариза тушди. Бу партиямизга ишонч тобора ортаётганидан далолатдир.

«Кончи» ёрдамчи хўжалиги аҳлининг қўшалоқ байрамида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Ш. Муҳаммаджонов сўзга чиқди.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• ПУБЛИЦИСТИКА

# ТОНГ САБОЛАРИ

Мана, уч йилдирки, биз мустақиллик тонгининг ҳаётбахш саболаридан ҳузур ва ҳаловат топмоқдамиз. Одамларимизнинг руҳи баланд. Кайфияти чоғ. Бир-бирларига меҳр-оқибати ҳам ўзгача. Гўё асрлар оша елкасини эзиб, қаддини букиб келган қуллик азобларидан, юрагини парчалаб, вужудини исканжага солиб келган дарду алам, ҳасрат ва надоматлар юкидан, тубанлик зиндонидан ўктамлик оламига чиққан каби кўзларида нур, кўнгилларида сурур ўйнайди. Уч йилдирки Туркистонда — Ўзбеклар диёрида мустақиллик тонгидан таралган салқин саболар эсаётир. Умримиз баҳори гўё эндигина гул очиб, яшнаётгандай. Неча йиллар, неча замонлар давомида мустамлакачилар тазйиқи, уларнинг жабр-ситамлари, зўрлик ва адолатсизлик заминига қурилган алдамчилик сиёсатлари остида қадди букилиб, энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум бўлиб келган халқимиз гўё энди чинакамига қомат ростлаб ҳақиқий ҳаёт, том маънодаги ёруғ дунё кошоналарига қадам қўяётгандай...

Орадан эндигина уч йил ўтди. Аммо шу вақт ичида мустақил диёримиз кўп йиллар давомида қилинмаган, халқимиз қалбида фақат орзу-армон бўлибгина келган оламшумул бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Истиқлол йўлидаги алп қадамларимиз тобора собит, тобора шаҳдам бўлиб бормоқда. Ҳур республикамизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътибори кундан-кун ортаётир. Уни манаман деган давлатлар ҳам тан олмоқда, танимоқда. Улар Ўзбекистонимизни фақат сиёсий жиҳатдангина тан олиб қолмай, балки айни чоғда катта ишонч ва эътиборлар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ўрнатмоқдалар. Ахир у ёғи Америка, Англия, Франция, Германия каби ғарбий мамлакатлар, бу ёғи Хитой, Ҳиндистон, Япония, Корея каби шарқий мамлакатлар билан тузилган ва тузилаётган шартномалар ва шу шартномалар асосида юртимизда иш бошлаган ва иш бошлаш арафасида турган катта-кичик корхоналар, юртбошимизнинг жаҳондаги жуда кўп мамлакатларда бўлиши ва шунингдек, бошқа мамлакат раҳбарларининг диёримизга ташриф буюришлари, шундай алоқалар ифодаси эмасми?!

Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик неъматлари эмасми?! Буларнинг ҳаммаси Мустақиллик шарофати, Истиқлол ноз-неъматларидурки, бу неъматлар тангри таолонинг иноюти билан бизнинг жафокаш халқимизга инъом этилди. Халқимизнинг куну тун қилган дуои илтижолари ижобат бўлганлиги самарасидур бу. Агар шундай бўлмаганда Совет Иттифоқи деб аталмиш ҳайбатли аждарнинг даб-дурустдан ҳалокатга учраши, зулмат ва қабоҳат занжирларининг халқа-халқасидан узилиб пора-пора бўлиши — шундай бир дориломон замоннинг бошланиши мумкинмиди? Асло! Буларнинг ҳаммаси худонинг иноюти, Туркистон халқлари оҳи-зорларининг оллойи-таолога етганлиги аломатидир. Ҳа, азизлар, бу — буюк бир инқилоб! Ана шу инқилоб туфайли неча ўн йиллар давомида азоб чекиб келган мазлум халқ ва элатлар мустақиллик байроғини қўлга киритди. Ўз халқининг хоҳиш ва иродасини ифода этадиган ўзларининг миллий урф-одатлари, диний ва дунёвий эътиқодларига монанд ва мувофиқ келадиган давлат барпо этиш йўлига кирдилар. Тўғри, улар йўлида кутилмаган тўғаноқлар ва ҳар хил тўсиқлар учраб турибди. Ўз мавқеидан, обрў ва мартабасидан ажралиб қолишдан чўчиб турли-туман найранг ва маккорликларни ишга солаётган корчалонлар бу халқлар бошига турли-туман мусибатлар солмоқда. Мустақиллигимиз жилови ишончли қўлларда эканлиги амалда ўз кучини кўрсатди. Юз бериши мумкин бўлган даҳшатлар бартараф этилди.

Мамлакатимиз, бунёдкор халқимиз дадил қадамлар билан олға интилмоқда. Эндиги вазифа: одамларимиз қалбида нурдек барқ уриб янгидан-янги зафарларга илҳомлантираётган миллий руҳ ва миллий ифтихор тўйғуларини юксак даражада шакллантириш, ёшларимизни ўзларининг буюк аждодларига ҳурмат ва эътиқод, тарихий обидаларимизга ҳамда миллий урф-одатларимизга чуқур муҳаббат ва чуқур садоқат руҳида тарбиялашдан иборатдир. Аммо баъзи бир кимсалар ўзи туғилиб ўсган муқаддас Ватан тупроғини, буюк алломаларимизнинг руҳи покини юз-хотир қилмай хиёнат йўлига кирмоқдалар. Ўзга юртлардан паноҳ излаб хорижга чекинмоқдалар. Бу билан кифояланиб қолмай улар бу муқаддас юрт шаънига, заҳматкаш халқ шаънига турли хил туҳмат тошларини отмоқдалар. Улар орсизлик ва ҳаёсизликда шу даражага етиб бормоқдаларки, ҳатто ўзбек миллатидек жаҳон тан олган эътиборли, нуфузли миллатни, жаҳонга не-не алломаларни етказиб берган улуғ халқни ҳали миллат бўлиб шаклланмаган, у маънавият нималигини билмайди, ҳозир фақат қорин тўйғазиш билан банд деб ҳақорат қилмоқдалар. Ахир бундан ҳам ортиқ туҳмат, бундан ҳам ортиқ бўҳтон, бундан ҳам ортиқ орсизлик бўладими? Қайси ақли расо, бошида ҳуши бор, ўз халқи тарихидан тариқча хабари бўлган инсофли одам, имонли мусулмон шундай дея олади? Бизнинг ундайларга жавобимиз шу: Балки сиз ўзингизни чинакам ватанпарвар деб ҳам ўйларсиз. Ўзингизни ватанпарвар қилиб кўрсатиш учун ана шундай номақбул йўлни тутгандирсиз ва куракда турмайдиган бўҳтон сўзларини айтаётгандирсиз. Йўқ, шўрлик донишмандлар, ўз халқининг ҳақиқий жонкуярлари, ватанпарварлари бўлган зотлар ҳеч қачон бундай номақбул йўлга, номардлик йўлига кирмаганлар. Ўзлари ўниб-ўсган, ўзини вояга етказган она Ватанини, жонажон халқини тарк этиб, хорижга кетмаганлар. Аллақандай ҳомийларнинг ҳимоясидан паноҳ излаб ғаريбликдан, жабр-ситамдан шикоят қилиб, фиғону нолалар чекмаганлар. Улар доим ўз халқи орасида бўлган, халқ ўлса ўлган, тирилса тирилган. Сиз узоқни ўйламай, бурнингиз остидан нарини кўрмай, Ватан истиқболини ўйламай, ўзингизнигина ўйлаб, Ватан қадрини билмай, фақат ўз нафсингиз дардини тортаётган нафс бандаларисиз.

Юртбошимиз яқиндаги суҳбатларидан бирида сиздай бедаво дардларнинг ножўя хатти-ҳаракатларингизга таассуф билдириб, «ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога», деди. Сизларнинг аҳволларингизга аянч ва ачиниш билан қаради. Ҳақиқатни кўрмай ёки кўролмай, мамлакатда юз бераётган буюк ўзгаришлардан бехабар ёки хабардор бўлишни истамай, кўр-кўрона туҳмат тошлари отаётганларингизни аянч ва ачиниш билан тилга олди.

Бу ерда мислсиз улуғвор ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбек миллати ўз мамлакатини гуллаб-яшнатиш учун кунни кун демай, тунни тун демай, истиқлолнинг муҳташам биноларини бунёд этмоқда. Буюк давлат асосларини яратмоқда. Унинг йўли ўзига хос йўл, мустақил йўл. Бу йўлга на бозор иқтисодиётининг катта-кичик қийинчиликлари ғов ташлай олади ва на сизга ўхшаган иғвогарлар туҳмати. Бу йўлни халқнинг ўзи танлаган. Унинг истиқболи порлоқ.

Ўтган йили Самарқандда бўлган эдим. Бу йилни Фарғона водийсида ўтказдим. Қўқон, Наманган, Андижон шаҳарларида бўлдим. Ҳамма ерда ҳаёт ўзгача. Ҳамма ерда мўъжизакорлик, ҳамма ерда буюк бир ғайрат, ажиб бир шижоат. Одамларнинг руҳи тетик. Улар эртанги кунга ишонч билан қарамоқдалар. Тўй-томошалар қилмоқдалар. Юксак дид ва истиқболли ҳою ҳаваслар билан қурилган шинам уйларга ўғил уйлаб, келин туширмоқдалар. Пири бадавлат отахон ва онахонлар ўз фарзандлари эъзозида кексалик гаштини сурмоқдалар. Мамлакатимиз жаннатмакон бир юртга айланиб бормоқда. Ҳудудсиз боғларда анвойи мевалар пишиб, дастурхонларга кўрк ва барака ато этмоқда.

Мустақилликнинг учинчи йили. Бу йил жуда баракали келди. Бу йил ҳар йилгидан ҳосил мўл. «Оллоҳнинг ўзи юртимизга ўз нурини тўкди. Ҳеч қачон бунақа тўкин йил бўлмаган», деб шукроналар айтаётир кексаларимиз. Кечагина осмонга сапчиган нарх-наволар ҳам шахтидан туша бошлади. «Қимматчилик» деган совуқ сўз ўрнини «арзончилик» деган илиқ иборалар эгаллай бошлади. Бозор иқтисодиётининг қаҳри кетиб, фаҳри кенг қулоч ёймоқда. Шоирлар ибораси билан айтсак, «хирмонлар тўла дон, тандирлар тўла нон». Нон бўлганда ҳам ўз диёримиз далаларида етиштирилган оқ буғдой нони, қайроқи нон ўз еримиз нони, ўзбекнинг нони. Полизларда сой тошидай юмалаб ётган, тилими тилни ёрадиган тарвуз-қовунлар! «Оқ олтин» далаларида мўл ҳосил пишиб етилмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимиз омади, унинг бахт-саодати аломати, мустақиллик шарофатидир. Шунинг учун ҳам халқимиз мустақилликнинг уч йиллик байрамини шоду хуррамликлар билан нишонлаяпти. Озод диёримизда қувонч ва ифтихор туйғулари билан йўғрилган куй ва қўшиқлар авж пардаларида янграмоқда. Мамлакатда, озод республикамизда мустақиллик тонгининг ҳузурбахш садолари эсмоқда.

Эсавер, юртга мустақил, мамлакатимизга маъмурчилик муждасини келтираётган истиқлол тонгининг сарин саболари! Озод диёримиз бўйлаб келаётган шодиёна парвозинг ҳамиша баланд ва ҳамиша қутлуғ бўлсин!

**Фатхиддин НАСРИДДИНОВ.**

Қадамнинг қутлуғ бўлсин, болажон!

Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат.

# КЎНГИЛ МАВЖЛАРИ

Холисхон Йўлдошевани Балиқчи қишлоғида ҳамма бирдек ҳурмат қилади. Шунданми кўпчилик унинг номига ая деган сўзни қўшиб айтишни хуш кўради. Асли муаббий, кейинчалик давлат хўжаликларининг бирида бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлаган бу онахон ҳозир меҳнат фахрийси. Нафақасини олиб тўю маъракалардан қолмай уйида тинчгина ўтирса бўларди. Аммо опа бунга қаноат қилмайди. «Бўстон» ширкатлар уюшмаси касаба қўмитасининг раислигига уни ишониб тайинлашган эди. Вазифасини қойиллатиб уддалаяпти. Аядан бунинг боисини сўраганимизда партиявий виждоним шунга даъват этади, деган гапни айтди. «Куч-қувватим бор экан, мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб чарчамайман», — деди.

Балиқчи туманида мустақиллик алоҳида уфқлар очди. Хўжаликларда пайдо бўлган оилавий пудратчилар ердан унумли фойдаланишнинг тўла уддасидан чиқишмоқда. Бошқачасига айтганда, ҳар бир қарич жойда қилинган самарали меҳнат ўз эгасининг ҳамёнига мўмай даромад келтиряпти. Истиқлол туфайли меҳнат кишисига яратилаётган бундай шароитни кўриб Холисхон аянинг кўнгли тўлқинланади. Ёшлиқдаги куч-ғайрати қайтиб, шундай дориломон кунларга холис хизмат қилгиси келади.

— Мустақиллик туфайли ўзлигимизни таниб, Ўзбекистон деган ном дунё узра баралла янграётганидан бахтиёрмиз, — дейди ХДП аъзоси Холисхон Йўлдошева. — Шундай шукуҳли кунларни кўриш, истиқлол нашидасини суриш насиб этганига мингбора шукур. Маънавий қадриятларимиз қайта тикланяпти ва алоҳида қадр топяпти. Одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Уч йил ичида мамлакатимизда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу, шубҳасиз, ватанимиз тараққиёти, халқимиз бахт-саодатига хизмат қилади. Ўзбекистон Президентининг элпарвар Фармонлари бунга кенг йўл очмоқда. Уруш фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, тиббиёт ва маориф ходимлари шундай ғамхўрликлар эвазига ўзлари яшаётган уйни бепул хусусийлаштириб олдилар. Касаба қўмитамизнинг аралашуви билан жамоамиздаги уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган икки оилага уй қуриб берилди. 6 кишининг бошпанаси таъмирланди. 10 хонадон эса текинга газлаштириб берилди. «Зангори олов» кириб борган бу уйларнинг эгалари оғир иқтисодий қийинчиликлар даврида ўзларига мадад қўлини чўзган саховатли кишиларидан бир умр миннатдор бўлишмоқда. Яхшиларнинг ҳаққига дуо айлаб юртга тинчлик, тотувлик тиламоқдалар.

Холисхон ая ишда бўлгани каби оилада ҳам тиниб-тинчимайди. Турмуш ўртоғи Одилжон Охунов билан фарзандлари камолини ўйлайди. Уч ўғли, уч қизи, 10 нафар невараси муносиб кишилар бўлиб етишаётганидан бошлари осмонга етади.

Партия аъзоси, меҳнат фахрийси Холисхон ая каби тиниб-тинчимас онахонлар Балиқчида жуда кўп. Улар ўзларининг ибратли ишлари билан одамлар қалбига яхшилик уруғини сочмоқдалар.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ШОВУЛЛАЙДИ ТЕРАКЗОР

Истиқлол нашидаси дилларни забт этиб, фахр-ғурур туйғулари жўш урган ўша дамлар... 1991 йилнинг кузи. Раисимиз Ҳ. Аҳбаров: «Келинглар муқаддас истиқлолимиз шарафига Қатрон тоғлари этагидаги қирларда улкан теракзор барпо этайлик», — дегач хўжаликнинг каттаю кичиги қирга чиқди. Ҳамма қўлидан келганча ҳаракат қилди. 1991 йилнинг кузи ва 1992 йилнинг баҳорида даштга 30 минг тўп терак экдик. Ўша истиқлол шарафига барпо этилган теракзор ҳозир шовуллаб ётибди.

Қишлоғимиз қиёфаси кескин ўзгарди. Иқтисодий ислоҳотларимиз боис одамларимиз янгича ишлашга, яшашга ўрганмоқдалар. Асосий эътибор Президентимизнинг ҳаётбахш Фармонлари ижросини таъминлашга қаратилаётганлиги туфайли ҳам ютуқларимиз мўл.

Яқинда ҳисоблаб чиқдик. Кейинги уч йил мобайнида қишлоғимизда 300 оила янги иморат қурибди. Бу илгари 20 йил давомида қурилган шахсий иморатлар миқдорига тенг. Шу йиллар давомида 60 гектар ерни пахта майдонларидан ажратиб, уй-жойлар қуриш учун бердик. Боғдой, сабзавот майдонларини, боғларни кенгайтирдик.

Шу йиллар давомида хўжалик бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Янги ферма, мева-сабзавот омбори, 140 ўринли болалар боғчаси, қишлоқ марказида муҳташам чойхона қурдик. Барча қулайликларга эга учта дала шийпони қурилиб, деҳқонлар ихтиёрига топширилди.

Мустақиллик шарофати туфайли ҳудудида ҳатто кириб келмоқда. Илгари хўжалигимиз ҳудудида ҳатто кичик бир тикув цехи ҳам йўқ эди. Ўтган уч йил давомида жемпер тўқиш цехи, ип-йигирув, гилам тўқиш цехлари ишга туширилди. Биз бу билан тўхтаб қолмадик. Ҳозирги пайтда жамоа хўжалигимиз ҳудудида бахмал ва помбархит ишлаб чиқариш фабрикаси қурилиши тугаллана деб қолди. Бу фабрикада 2 минг киши ишлайди.

Қатрон тоғлари этагидаги теракзор шовуллаб ётибди. Бу тераклар истиқлол билан тенг. Улар ҳозирнинг ўзида одамларга тоза ҳаво, салқинлик, фароғат бахш этмоқда. Келажакда эса бу етилган тераклар хўжалигимиз иқтисодий қудратини яна ҳам юксалтиради. Истиқлол ҳам худди шундай. Йиллар ўтган сари истиқлол туфайли эришган ютуқларимиз мустаҳкамланиб, қудратимиз ошиб халқаро майдондаги обрў-эътиборимиз кучайиб бораверади.

**З. АБДУРАХМОНОВА,**
**Олтиариқ туманидаги «Янгиобод» жамоа хўжалиги ХДП бошланғич ташкилоти котиби.**

# БАХТ-ИҚБОЛ ҒУРУРИ

Муборак истиқлолимизнинг уч йиллик байрамини ҳам катта шоду хуррамлик билан нишонлаяпмиз. Бундай кунларда республикамизнинг ҳар бир фуқароси қалбида чексиз фахру ғурур туйғулари жўшади. Шу билан бирга ҳар ким ўтган байрамдан ҳозиргача қилган ишларини ўзича саралаб, ҳисоб қилиши турган гап.

Туман партия кенгашимиз ва барча партия аъзолари байрамга нималар билан келишди? Энг муҳими, туманимиз маркази ва хўжаликлар қўрғонлари қисқа вақт ичида ургутликлар меъморчилиги асосида ободонлаштирилди. Шу кунларда туман марказида бўлсангиз оппоқ ғиштлар билан қайта таъмирланган ёки янгидан қурилган миллий услубдаги маданий-маиший, савдо ва маъмурий биноларни кўрасиз, кўчалар бўйлаб янги гулзорлар, сайрғоҳлар бунёд этилаётганига гувоҳ бўласиз.

Ишлаб чиқариш жабҳасидаги ютуқларимиз ҳам салмоқли. Туманда пилла тайёрлаш режаси 105 фоиз ўринлатилди. Давлатга 11 минг тоннадан зиёд ғалла етказиб берилди. Хусусийлаштириш шарофати билан чорва маҳсулотлари етиштиришда ҳам бултур шу пайтдаги кўрсаткичлардан олдиндамиз. Пахта далаларимизда режадаги 53 минг тонналик хирмон учун етарли ҳосил яратилмоқда.

Буларни ёзишимнинг сабаби шуки, туман кенгашимиз ўз сафига 1500 нафарга яқин партия аъзосини уюштирган. Улар қурилишда ҳам, саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнат қиладилар. Шундай экан, туман бўйича барча яратувчилик ишларида муносиб улушимиз бор.

Истиқлолимиз туфайли мамлакатимизда йирик иқтисодий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий ўзгаришлар рўй бераётир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамиз раҳбарияти халқни иқтисодий муҳофаза қилиш, иқтисодий ислоҳотларни тобора чуқурлаштириб, бу йўлдаги қийинчилик ва тўсиқларни бартараф этиш борасида кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Биз, партия фаоллари хўжалик ва ишлаб чиқариш ташвишлари билан банд бўлиб қолмасдан, бу ҳақдаги маълумот ва ахборотларни туман меҳнаткашларига мунтазам етказаётирмиз.

Айниқса, мулкни хусусийлаштириш, фермер-деҳқон хўжаликлари, қўшма корхоналар ишини йўлга қўйиш доимо эътиборимизда. Аниқ ҳисоб-китоб юритиб, фойдали йўл-йўриқлар беряпмиз. Партия аъзолари бўлган фермерлар, деҳқон хўжаликлари раҳбарларидан юртга маҳсулот етказиб беришни талаб этиш билан бирга уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдамиз.

Туманимизда 26 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилишади. Партия аъзоларимиздан 170 киши қиргиз, 93 киши қозоқ, 85 киши тожик, 12 киши татар, 10 киши рус ва ўнлаб озарбайжон, немис, корейс ҳамда бошқа миллат фарзандлари бор. Шундай бўлгач, туман кенгашимиз ўзининг бутун тадбиркорлик ва ташаббускорлик куч-ғайратини миллатлар ўртасидаги дўстликни кўз-қорачиғидек асрашга, осойишталикни таъминлашга қаратиши зарур. Шу боис биз сўнгги ойларда бир неча марта «Дўст билан обод уйинг» деб номланган илмий-амалий анжуман, «Биз — Турон элимиз» мавзуида давра суҳбатлари, турли миллат кексалари билан ёшлар учрашувларини ўтказдик. Туманимизга келган қозоғистонлик қардош ва қондошларимизни тантанали кутиб олдик, кўпгина соҳаларда ҳамкорлик қилишга келишдик.

Улуғ айём кунларида аҳолининг кам таъминланган, ногирон, ёлғиз яшовчи табақалари, кўп болали оилалар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларини эслаймаслик, уларга ғамхўрлик қилмаслик мумкин эмас. Шу боисдан 37 нафар етим боланинг ҳар бири учун 30 сўмдан фоизлик омонат дафтарчаси очдик. Бир неча ногиронларга аравачалар олиб бердик. Туман ҳокимлиги билан биргаликда байрам куни партия ва меҳнат фахрийларини, туман фаолларини, уруш қатнашчиларини байрам дастурхонига таклиф этдик, пул-буюм совғалари тортиқ қилдик. Хуллас, туман халқи билан бирга байрамни муносиб нишонлаяпмиз.

**Ҳабибулла МУСТАФОЕВ,**
**Дўстлик тумани партия кенгашининг биринчи котиби.**

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ. Нурбой бобо мана беш йилдирки, нафақада. Аммо суяги меҳнатда қотган эмасми, уйида кўк чой ичиб салқин жойда ёнбошлаб ётишга тоқати йўқ. Бобо ўғиллари кўмагида 6 гектар майдонга узумзор барпо қилди. Бу йил 4 гектар ерга қовун-тарвуз экди.

Токлар ҳали ёш бўлишига қарамай уч ярим тонна узум топширди. Қовун-тарвуз эса асосан, қишга сақланадиган навндан. Нурбой ота қовун етиштириш билан бирга уруғларни саралашга ҳам ишқибоз. Бир қанча қадимий қовун навларининг уруғини кўпайтириб, уларнинг янада сероб бўлишига ўз ҳиссасини қўшаётир.

СУРАТДА: Нурбой ота Жўраев.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН САОДАТ

**Бухоро вилояти шаҳар ва қишлоқлари Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллигини қизғин тайёргарлик билан кутиб олмоқда. Мустақиллик майдонлари, кўча ва хиёбонлар, қишлоқлар, туманларнинг марказлари янги либос кийган. Одамлар чеҳрасида истиқлол, мустақиллик табассуми. Мухбиримиз турли касб эгаларидан учрашиб, уларнинг дил сўзларини оққа кўчирди.**

## ЁМОН КЎЗДАН АСРАСИН

**САИД ОҚИЕВ — Олот туманидаги «Амударё» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, ХДП аъзоси:**

— Мустақилликка эришиб, кўкрагимизга шамол тегди. Деҳқон оёғидаги занжир узилди, энди унинг оғзидаги ошни ҳеч ким ололмайди. Етиштирган маҳсулотини эркин сота олади. Бундан зиёд улуғ бахт борми?!.

Истиқлол туфайли хўжалик юритишнинг синалган усулларига ўтдик. Айниқса, хусусийлаштиришга кенг йўл очилди. Хўжалигимизда бешта мустақил фермер хўжалиги бор. Боғ-узумзорлар ҳам хусусий мулк қилиб ўз эгасига берилди. Қишлоққа саноат кириб келгани ҳам мустақиллигимиз туфайли. Ишқилиб мустақиллигимизни ёмон кўздан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

## ИСЛОҲОТЛАР ДАВРИ

**ҲАЛИМ ВАФИЕВ — Шофиркон тумани халқ таълими бўлими мудири:**

— Мустақилликка эришганимиздан буён мактабларимизда сентябрнинг биринчи куни алоҳида аҳамият касб этаётир. Энди эски тузумнинг ура-уралари, дабдабабозлигидан холимиз. Ислоҳотлар даври, янгиланиш замони. Туманимизнинг уч мингга яқин ўқитувчи-тарбиячилари улуғ байрамни янги ўқув йилига тайёргарликни ниҳоясига етказган ҳолда янгича бир туйғу билан кутиб оляпмиз. 52 та мактаб, 8 та мактабдан ташқари муассасаларда байрам тадбирлари ўтказиляпти.

Мустақилликнинг ўтган уч йилидаги ўзгаришлардан бири шу бўлдики, биз миллийлигимизни тиклай бошладик. Ўзбекистон мактаблари ўз йўлини топиб бормоқда. Бунга ўнув дастурига янгидан киритилган «Одобнома», «Дин тарихи», «Иқтисодий билим асослари» дарслари мисол бўла олади.

Маорифда ҳам ислоҳотлар даври. Шу нуқтаи назардан истиқлолни мустаҳкамлаш учун заррача бўлса-да, ўз улушимизни қўшишимиз керак.

## МЕҲНАТИМИЗ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

**БОБОҚУЛ ТОШЕВ — Ромитан туманидаги «Қизилравот» жамоа хўжалиги ишчиси:**

— Миллатимизни элга танитган бу — мустақиллик. Истиқлол туфайли дунё ҳаритасида Ўзбекистон деган келажаги буюк давлат борлигини жаҳон билди. Шу неъмат туфайли мамлакатимиз жаҳонга юз тутяпти.

Хўжалигимиз Амударё этакларида жойлашган, қорақўлчиликка ихтисослаштирилган жамоа. Жаҳон бозорида ўрни бор сур қорақўлари, шоли-ю тилими тилни ёрадиган қовунлари билан фахрланишга ҳақлимиз. Қозоқ, ўзбек ва бошқа миллатлар билан бугун мустақиллик гаштини суряпмиз. Истиқлолни эса жасоратли меҳнатимиз билан мустаҳкамлайверамиз. Бу ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

## ЭШИГИМИЗ ДЎСТГА ОЧИҚ

**МАНСУР ЗОКИРОВ — «Ўзбектуризм» миллий компанияси Бухоро минтақавий бўлинмаси бошқарувчиси:**

— Миллий истиқлол халқимизга кўп нарса бергани санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Эндиликда Ўзбекистон фуқароси учун дунёдаги барча мамлакатларнинг эшиги очиқ: ўқиш, саёҳат, тижорат. Бу — истиқлол меваси.

Байрам арафасида жамоамиз масъулияти янада ошган. Мустақиллик байрамини биз билан баҳам кўришга шошилаётган хорижлик дўстларимизни кутиб олиш, уларга дидли хизмат кўрсатиш, сайёҳларни Бухорои шариф ёдгорликлари билан таништириш ҳам фахр, ҳам катта масъулият.

Байрамона безанган қадимий Бухоро эшиклари дўстларимиз учун ланг очиқ. Халқимизнинг меҳрга тўла дил эшиклари эзгу ниятларни ҳамиша иссиқ қабул қилади. Бу анъана — ўзбекона меҳмондорчилик, меҳр-мурувват тимсоли сифатида асрлар оша бизга етиб келаётганига шукур деймиз.

## БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР...

**ҚИЗБИБИ ҲУСЕНОВА — Ғиждувон туманидаги «Оқ олтин» жамоа хўжалиги меҳнат фахрийси, Меҳнат Қаҳрамони:**

— Халқимиз истиқлолни кўп қийинчилик, қурбонлар эвазига қўлга киритгани ҳеч кимга сир эмас. Ўша «қизил империя» сиёсати ҳукмронлиги даврида қанчадан-қанча мустақиллик тарафдорлари нобуд бўлдилар. Уларни бугунги улуғ байрам кунида эслашга қарзлимиз. Чунки бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Истиқлолни кўз қорачиғидек асрашимиз керак. Аввало ёшларга мустақиллик нима эканлигини тушунтиришимиз лозим. Танлаган йўлимиз, маслагимиз — келажакда ҳуқуқий давлат барпо этиш экан, бунга ёшларни даъват этишимиз керак.

**Суҳбатни оққа кўчирувчи: Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**




«ЭРТАГА МАКТАБГА БОРАМИЗ».

ҚУЛАЙЛИК

## МАТЛУБОТЧИЛАР—МАКТАБГА

Фарзандлар қувончи — бизнинг қувончимиз, дейишади яккабоғлик матлуботчилар. Эрта-индин мактаб ўқувчилари, талабалар жонажон мактабларига, олий ўқув юртларига қайтадилар.

Яккабоғ матлубот жамиятига қарашли савдо аҳли 1994—95 ўқув йили олдидан болажонларнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида мактаб савдоси уюштирдилар. Матлубот жамияти хизмат доирасида 46 та мактаб бўлиб, уларда бу йил 23 минг 757 нафар ўқувчи билим олади.

Аввалдан белгиланган савдо шохобчалари ва махсус мактаб ярмаркаларига 7754 та қизлар мактаб формаси, 6400 та ўғил болалар кўйлаги, етти минг жуфт оёқ кийимлари, шунингдек, дафтарлар, турли ўқув қуроллари келтирилиб савдога қўйилган.

**Ғози РАҲМОН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

• *МУШОИРА*

# КЎКДА ПОРЛАЁТГАН ОФТОБ МУБОРАК!

Яхши кунда юрагингга дунё сиғади. Каттаю кичик, кексаю ёш кўзингга нур бўлиб синга бошлайди. Ана шунда... кимгадир севинчингни айтиб, кўнглингни ёзиб олгинг келади. Дилнинг тўр-тўридан ажиб бир наволар оқа бошлайди: «КАТТА ТЎЙ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!»

Истиқлол — пешонамизни ёритган ёниқ чироқ. Уч йилки, унинг ёруғ нурлари порлаётир. Бу нурлар Ўзбекистон тупроғига ҳурлик насимларини элтаяпти. Бу нурлар катта юртнинг кўнгли осмондай кенг ва беғубор одамлари юрагига тоза туйғулар олиб кираётир. Ана шу пок туйғулар унинг шоирлари юрагидан эса шеър бўлиб тўкиляпти...

### МИНГ БИР САЛАФЛАР БОР

Букун Истиқлолнинг нурлари аро,
Мен ёдга оламан ўтган зотларни,
Авлоднинг соғлиги ва ободлиги
Йўлида курашган номи ёдларни.

Ҳар он кўз олдимда — руҳи қонимда,
Устоз Навоийнинг ғазали аён.
Ҳазратнинг улуғвор ҳар бир мисраси
Халқим вужудида оққан тоза қон.

Маҳмуд Қошғарий ҳам, Аҳмад Югнакий,
Юсуф хос Ҳожиб ҳам шу йўлда ғамхўр,
Улар асос солган туркий сўзимиз.
Букун Давлат тили — руҳимизга кўр.

Саркарда Темурнинг юришлари ҳам,
Авлод қудрати-чун қўйилган қадам,
Улуғ Самарқанднинг, чўнг Бухоронинг,
Шукуҳи қилмоқда бизларни бардам.

Қондош Бурҳониддин, Марғилоний ҳам,
Қондоши Ал Фарғоний, қудратли Бобур,
Авлодлар қонининг саркардасидир,
Ҳануз ўз сафининг бошида турур.

Минг бир салафлар бор, айтсак арзирли,
Ҳар бири бу сафда ҳар битта олам,
Бизни асраб турган аслида шулар,
Соғлом бўлсин дейди эртага болам.

Исмоил МАҲМУД

### МЕНИНГ ГАВҲАР ЮРТИМ

Юртим, қучоғингга келди истиқлол,
Келди мустақиллик, сен кутган замон,
Ҳамиша эдинг сен меҳнаткаш, ҳалол,
Босган қадамингга кўз тикар жаҳон.
Ҳар гал байрам куни унутдир кадар,
Ўзбегим, халқсан сен қадимдан қадим.
Бу кунда юксалдим мен осмон қадар,
Бу кунда минг йиллик умрим англадим.

Қаддинг кўтар энди кўҳна Туроним,
Менинг гавҳар юртим, Ўзбекистоним.

Фарзандлар курашди юрт шаъни учун,
Бири шамшир ила, бирида қалам.
Улар билар эди келади бир кун
Ва тарих янгидан қўяди қадам.
Саодат йўли деб хўрларди ноҳақ,
Тўсдилар йўлимни, кесди забоним.
Аммо ҳақиқатни доим билар халқ,
Қайда Усмон Носир, Фитрат, Чўлпоним.

Бегона элларда ингираган жоним,
Менинг гавҳар юртим, Ўзбекистоним.

Анвар ТОҒА

### ХУДО СУЙГАН ХАЛҚИМ

Мозийдан йўл олган карвон уйғонмиш,
Озгина тин олган сарбон уйғонмиш,
Қора тун эврилиб Турон уйғонмиш,
Кўкда порлаётган офтоб муборак.

Бугун бой бернлган имкон уйғонмиш,
Чўлпон орзу қилган замон уйғонмиш,
Худо суйган халқим, Қуръон уйғонмиш,
Кўкда порлаётган офтоб муборак.

Ҳур юртимнинг боғи, шоҳи халқим Сиз,
Навоий, Синоси, Моҳи халқим Сиз,
Истиқлол қалқони, тоғи халқим Сиз,
Кўкда порлаётган офтоб муборак.

Ўзбекистон, Ватан, жонажон юртим,
Ҳумо қуши қўнган Онажон юртим,
Жаҳон ичра порлоқ бир жаҳон юртим,
Кўкда порлаётган офтоб муборак.

Ибодулла МЕЙЛИ

* * *

Ўзбекистон сенинг ҳақингда,
Шеър ёзмаган битта мен қолдим.
Биров шафақ деди, биров бахмал юрт,
Фақат мен шеър аро тасвирсиз қолдим.

Ўрганишим шартдир, шеър ёзишим шарт,
Оқламоқ ҳам шартдир Ватаннинг тузин,
Ўргана олишга етармикан Вақт,
Бўйинг кўкка етган, илдизинг узун.

Дилмурод ЖАББОР

• *Айём қувончлари*

## САЙИЛГОҲДА БЕЛЛАШУВЛАР

**● Бугун мамлакатимиз барча шаҳарлари, хусусан, Тошкентда бошланадиган халқ сайилларига спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари ҳам уйғунлашади.**

Халқлар Дўстлиги майдонида тош кўтарувчи полвонлар, шарқона беллашув усталари, эркин ҳамда юнонрум усулида курашувчи спортчиларнинг чиқишлари мўлжалланган. Ўзбекистон миллий боғида ҳам спортчиларнинг чиқишлари бўлади. Хусусан, волейбол, велопойга, бадиий гимнастика ва акробатика бўйича баҳслар уюштирилади. Алишер Навоий номли театр майдонида эса бадминтончилар, нафис гимнастикачилар ва боксчиларнинг баҳслари бўлади. Амир Темур хиёбонида ҳам спортчилар кўргазмали чиқишлар қиладилар.

## МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ

**● Яна бир кундан кейин «Пахтакор» марказий уйингоҳи гавжумлашадиган бўлиб турибди. Бу ерда Истиқлол байрамига бағишланган халқаро футбол мусобақаси ўтказилади.**

«Мустақиллик кубоги» учун мусобақада Ўзбекистон миллий терма жамоаси, «Нефтчи» ҳамда мухлисларга таниш Голландиянинг «ВИТЕСС» (Арнем) ҳамда «НЕК» футболчилари қатнашадилар. Учрашувлар ўзига хос усулда, яъни бир оқшомда ниҳоясига етказилади. Ҳар бир учрашув 45 минут давом этиб, бир таймдан иборат бўлади. Ярим финал учрашувларидан кейин ғолиблар соврин учун баҳслашадилар. Учинчи ўрин учун кураш бўлмайди. Ўзига хос футбол байрамини Оврўпо шаҳарларига телевидение орқали олиб кўрсатиш мўлжалланмоқда.

## ПОЛВОНЛАР САХОВАТИ

**● Ўзбекистон полвонлари Алмати шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида қўлга киритган жами 32 медаль билан истиқлол айёмига ўзига хос туҳфа ҳозирладилар.**

Бу муваффақиятга қизлардан Е. Зайцева, Е. Тулупова, Ш. Тошпўлатова, С. Нилова, З. Абибуллаевалар муносиб ҳисса қўшдилар. Йигитлар ҳам бўш келишмади. Ботир Ҳасанов, Фарҳод Хўжамов, Шавкат Жўраев, Бобомурод Қосимов, Жўра Фармонов, Феруз Аъзамовлар ҳам совринли ўринларни эгаллашди.

Н. ҲАЙДАРОВ.

*Муҳаммад С. Ал-Хелли Бирлашган Араб Амирликлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги маданий ва иқтисодий муносабатлар бундан буён янада мустаҳкамланади деб умид билдиради.*

Бирлашган Араб Амирликлари Миллий меъросни тиклаш жамияти директорлари Кенгашининг Вице-президенти
Муҳаммад С. Ал-Хелли

*Ўзбекистон Республикаси Президенти* **Ислом Абдуғаниевич Каримовни** *ва бутун ўзбек халқини буюк миллий байрам - Мустақиллик куни билан қизғин табриклайди*

• *«Ойнаи жаҳон»да кўринг*

**Мустақиллигимизнинг учинчи йили барча ижодий жамоалар қаторида Ўзбекистон ойнаи жаҳони ижодкорлари учун ҳам баракали бўлди. Ҳамкасбларимиз истиқлол байрамига атаб «Озодликда танилар Ватан» узлуксиз телекўрсатувлари (махсус телеканал)ни тайёрладилар.**

Унинг шаклу шамойили ҳақида икки оғиз сўз: кўрсатув 1 сентябрь — Мустақиллик куни эрталаб соат 7-00 дан то ярим тундан оққунча давом этади. Бу тасвирларнинг кўплари бундан бир ярим ой муқаддам тасмага туширилган. Шунингдек, Тошкентнинг ўнга яқин майдон ва хиёбонларидан — Мустақиллик майдони, Халқлар дўстлиги майдони, Ўзбекистон Миллий боғи, Амир Темур хиёбони, А. Навоий номли театр майдони, Сайилгоҳ кўчаси, Хадра майдони ва бошқа жойлардан тўғридан-тўғри жонли кўрсатувлар ташкил этилади. «Озодликда танилар Ватан» узлуксиз телекўрсатуви байрам тантаналарининг тўла намойиши билан уланиб кетади...

Энди унинг мазмунига тўхталадиган бўлсак, «Дўстлар табриги» рукни остида чет эл давлатларининг Ўзбекистондаги элчилари табрик сўзлари, Қозоғистондан эса юртимиз учун махсус тайёрлаб юборилган лавҳалар берилади.

Мазкур дастурга бир неча қизиқарли бадиий—мусиқавий, публицистик кўрсатувлар кирган. «Саодат» студиясининг аёллар, оила, соғлом авлод мавзуларига бағишланган «Қаҳнус» кўрсатуви кўпчиликка манзур бўлади, деб ўйлаймиз. «Ватани севмоқ иймондандир» кўрсатувида эса миллат бирлиги, халқлар дўстлиги, ғурур ва ифтихор туйғулари тараннум этилса, «Ўзбекистон—Ватаним маним» видеофильмида юртимиз озодлиги, мустақиллиги йўлида бир асрдан зиёд босиб ўтилган шонли тарихий йўл ҳақида ҳикоя қилинади. У ўз ичига кўпгина тарихий ҳужжатларни олган.

Мусиқавий дастурлар орасида «Халқ ижодиёти» рукни остида яқиндагина ниҳоясига етган республика оилавий ансамбллари телефестивалининг ғолиблари чиқиши томошабинларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Бундан ташқари, Тошкент бўйлаб мусиқавий саёҳат, Истиқлол қўшиқлари, байрам концертлари миллионларнинг мароқли дам олишига мўлжалланган. Мамлакатимизнинг етук шоирлари мушоирани давом эттирадилар. «Киносаҳифаларни варақлаганда» кўрсатувида ўзбек киносанъати намояндаларининг бадиий, ҳужжатли фильмларидан намуналар, «Ўзбектелефильм» ижодкорлари яратган «Мирзо Улуғбек» ҳужжатли фильми эса биринчи марта «зангори кўзгу»да намойиш этилади.

Спорт ишқибозлари ва болалар учун ҳам бир қатор қизиқарли кўрсатувлар суратга олинган. «Гулғунчалар» концертида республикадаги иқтидорли болалар дасталари чиқишлари бўлади. «Туркистон» саройида ёзиб олинган «Юлдузларимиз-юлдузлар» болалар байрамида кичкинтойлар нафақат бадиий гуруҳларнинг балки дорбозлар ва масхарабозлар, қўғирчоқ усталари ва намунавий оила аъзолари ҳамда хорижлик болаларнинг турфа ижодларидан баҳраманд бўладилар. «Халқ миллий ўйинлари»га бағишланган «Фориш—94» телекўрсатуви спорт ишқибозларидагина эмас, минг-минглаб юртдошларимизда ҳам хуш кайфият уйғотади.

Бутун байрам давомида «Ўзбекистон ахбороти»нинг махсус байрам сонларида барча вилоятлардан, ҳатто айримларида сунъий йўлдош орқали теакорлик билан олинган турли киноланҳалар, «ҳафтанома» кўрсатувида мустақиллик солномаси гувоҳи бўламиз: уч йил ичида ҳамма соҳаларда — ташқи сиёсатда, ички сиёсатда, иқтисодиётимизда, маданий ҳаётимизда рўй берган ва бераётган муҳим воқеалар, шонли саналар, турфа тадбирлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Кинофильм ишқибозлари учун байрам куни соат 14.50 да «Тангалик болалар» ва 21.20 ҳамда 23.05 да «Темир хотин» бадиий фильмлари намойиш этилади.

Тун яримлаганда «Туркистон» саройидаги байрам концерти — мақомчилар, «Ялла» ва чет эл эстрадаси наволари ҳонадонларимизга хуш кайфият бахш этади.

Хуллас, телеижодкорларимиз Истиқлол байрамимизнинг кўнгилли ва мароқли ўтиши учун катта сайъ-ҳаракат қилишган.

Ҳамид ИКРОМОВ.

# «ОЗОДЛИКДА ТАНИЛАР ВАТАН»

**МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЗЛУКСИЗ ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР**

**ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКУР!**

**Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.**

• *Айём қувончлари*

## ТОТУВЛИГИМИЗ РАМЗИ

**● Вақт ўтган сари мустақилликнинг қадр-қимматини унинг неъматларини чуқурроқ англамоқдамиз, ҳис этмоқдамиз. Бу қутлуғ айёмга Наманган вилояти меҳнаткашлари ҳам ўзгача... ҳаёҳарлик билан келдилар.**

Буни биргина Наманган шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Шаҳарнинг «Шоҳбекат», «Тахтакўприк» даҳаларида янги бозорлар, бешта мактаб, олтита боғча, учта поликлиника, бешта шифохона, турар-жой бинолари, ўндан ортиқ маҳалла қўмитаси идоралари қурилди. Айниқса, жумҳурият марказидаги мустақиллик майдонини эслатувчи очиқ саҳна майдони яратилди ва унга «Тинчлик» деб ном берилди. Марғилон, Тельман номли, Охунбобоев номли, «Дўстлик» кўчалари таъмирланди. Хуллас, вилоятнинг туман ва шаҳарлари байрамга ана шундай муносиб совғалар билан келишди.

Вилоят марказидаги Бобир номли боғда «Менинг республикам — менинг фахрим» мавзусида тантаналар давом этди. Бунда кейинги йилларда унутилган ҳунармандчилик санъати чинакамига намойиш этилди. Истиқлолнинг мустаҳкамланиши маърифий қарашларимизнинг теранлигига ҳам боғлиқ. Шунданми, «Мерос» марказида олиму-фозиллар, ижодкору-санъаткорларнинг учрашуви, дилдан суҳбатлашуви узоқ вақт эсда қолса ажаб эмас. «Тинчлик» майдони ўз бағрига шаҳар ва қишлоқлардан келган меҳнат жамоалари вакилларини олди. Бу ерда катта концерт бўлиб ўтди. Бу ҳурсандчилик юртимиз, элимиз тотув ва фаровонлигининг рамзига айланди.

**Раҳимжон ИРИСОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**● САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Айём арафасида Тойлоқда қишлоқ озиқ-овқат комбинати фойдаланишга топширилди.**

Бу ерда соатига 500 шиша алкоголсиз ичимлик тайёрлаш, тўрт хилдаги 400 килограммгача макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мумкин. Ноғ ва бошқа маҳсулотлар ҳам тайёрланади. Чўл қўйнидаги Нурободда эса асфальт заводи фойдаланишга топширилди. Оқдарёнинг Поники қишлоғи болаларга 320 ўринли янги мактабда ўқишни бошлайдиган бўлдилар. 1 сентябрга қадар вилоят туманларида жами 200 дан зиёд турли объектлар фойдаланишга топширилади. Айни пайтда меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказилиб, халққа ош тортиш мўлжалланмоқда.

Фармон ТОШЕВ.

• *Айём қувончлари*

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанни севиш иймондандир!
ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-54-87; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қўқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-31-86; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.
● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 080120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—23.50
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.